



20 20 у « 8 » июнь

№ Қ-256

« » 20 г

**Шеробод туманида фаолият юритаётган
“Шеробод Агро пилла” МЧЖга тут
кўчатлари экиш учун ер майдони
ажратиб бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 январдаги “Пиллачилик тармоғида ипак курти озуқа базасини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4567-сонли қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/243-сон йиғилиш баёни ва Шеробод туман ҳокимининг 2020 йил 09 апрелдаги 01-05/313-сонли хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/243-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Шеробод туманида фаолият юритаётган “Шеробод Агро пилла” МЧЖга жами 101,7 гектар шундан 88,1 гектар суғориладиган экин ер, 4,3 гектар ариқ ва зовурлар, 0,2 гектар йўллар, 8,0 гектар яйлов ва 1,2 гектар бошқа ерлар жумладан Н.Муродов массиви худудидан қишлоқ хўжалиги харитасининг 54, 60, 69, 90а, 227қ, 228қ, 428қ, 510қ, 662 ва 664-дала контурларидан жами 31,70 гектар, шундан 30,0 гектар суғориладиган экин ер, 1,80 гектар ариқ ва зовурлар, Ўзбекистон массивидан 620қ-дала контуридан жами 6,0 гектар, шундан 4,40 гектар суғориладиган экин ер, 1,60 гектар ариқ ва зовурлар, Наврўз массивидан 545қ, 775қ ва 795-дала контурларидан жами 10,10 гектар, шундан 10,0 гектар суғориладиган экин ер, 0,10 гектар ариқ ва зовурлар, Таллашқон массивидан 395а, 400 ва 483қ-дала контурларидан жами 17,40 гектар, шундан 17,30 гектар суғориладиган экин ер, 0,10 гектар ариқ ва зовурлар, В.Қодиров массивидан 479қ-дала контуридан жами 12,50 гектар, шундан 12,30 гектар суғориладиган экин ер, 0,20 гектар ариқ ва зовурлар,

Исо Термизий массивидан 479қ-дала контуридан жами 2,10 гектар, шундан 2,0 гектар суғориладиган экин ер, 0,10 гектар ариқ ва зовурлар, Кўхитанг массивидан 1815, 1816, 1819 ва 1824-дала контурларидан жами 19,90 гектар, шундан 10,0 гектар суғориладиган экин ер, 0,50 гектар ариқ ва зовурлар, 0,20 йўллар, 8,0 гектар яйлов, 1,20 гектар бошқа ер майдонлари тут кўчатлари экиш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Шеробод тумани ҳокимлиги (А.Амиров) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботиға тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов